

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИКИШИ
№ 92 (3830).
14
МАЙ
СЕШАНБА
1968 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ—БИЛИМНИНГ ПОЙДЕВОРИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ўрта умумий таълим мактаблари ишлари янада яхшилаш тўғрисидаги қарориди бошланғич мактаб ишга алоҳида аҳамият берилган. Чунки, бошланғич таълим билимнинг пойдевори. Бошланғич мактабда ўқувчиларга чуқур ва пухта билим беришга асос солинади, болаларнинг характер-хислатлари, маънавий қиёфалари шаклланади.

Ўзбекистон ўқитувчилари йили III съезиди бошланғич синфларда ўқув-тарбия ишлари тагин ҳам яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Съезд қарорлариди

(ОРЖОНИКИДЗЕ РАНОН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АЖОНИБ ТАШАББУСИ)

Ўзбекистонда райондаги бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларга ҳар томонлама пухта билим бериш юзасидан яхши ташаббус билан чиқдилар. Райондаги бир гурупа тажрибали ўқитувчилар I-синфларга ўтиб ишлашни ўзлари учун шараф дей билдилар.

Олий маълумотга эга бўлган, методик жиҳатдан тайёрланган, болаларнинг психологиясини яхши биладиган моҳир ўқитувчиларнинг бошланғич синфларда ишлаши ўқув-тарбия ишларида яхшилаш ва ўқувчиларнинг фанлардан тўла ўзлаштиришлари ҳамда пухта билим олишларига имкон беради.

Ўзбекистон ССР Маориф истрлиги коллегияси, маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касба соҳаси республика комитети президенти Оржоникидзе райондаги ташаббускор ўқитувчиларнинг Ўзбекистондаги барча ўқитувчилар ва маориф ходимларига қарата қабул қилган Мурожаатни маъқуллади. Ушбу Мурожаат республикамиздаги барча халқ маорифи бўлимлари Советларда муҳофаза қилинади.

Халқ маорифи органларига Оржоникидзе район ўқитувчилари нисдан бориб, бошланғич таълимни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Област ўқитувчилар маълумоти касини ошириш институтлари I-синфларга ўтиб ишлайдиган ўқитувчилар учун шу йилининг август ойида бошланғич таълим методикасини махсус семинарлар ташкил этилади.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ОҚҚУРҒОН. Ҳамма номли колхознинг ўртоқ С. Шамбетов бошлиқ агроучасткиси деҳқонлари ҳам гуза, ҳам каноп парваришини кун сайин яхши олдиришмоқдалар. Улар бу йил 35 центнердан «оқ олтин», 190 центнердан «кўк олтин» ҳосили кўтаришга сўз беришган.

Дала ишларида механизатор А. Қўштоев, колхозчилардан А. Айткулов, Е. Нишонов, А. Аноркулов, Г. Вазоркулова, У. Абдуқулова каби ўртоқлар бошқаларга намуна кўрсатишмоқда.

Шунингдек, райондаги Ленин номи колхоз деҳқонлари ҳам гуза ва каноп парваришини тобора яхши олдиришмоқдалар. Ўртоқ Ф. Ан бошлиқ бригада дубкорлари бу йил гектар бошига пиланди 134 центнер ўрнига 210 центнердан «кўк олтин» олиш учун астойдил курашмоқдалар. Ўртоқ С. Қўшмуродов бошлиқ бригада деҳқонлари ўтган йили 35,6 центнердан пахта, 225,4 центнердан каноп ҳосили кўтариб, колхозда рекорд қўйишган эди. Улар ана шу ютуқни бу йил янада мустақамлаш учун шу кунларда астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

С. БЕКТОЕВ,
Е. ТОЖИБОВЕВ.



ОҚҚУРҒОН райондаги «Москва» колхозининг пахтакорлари йил сайин янгидан-янг марраларни эгалламоқдалар. Уларнинг бу йили ахллари янада катта. Ҳозир хўжалик далаларида гуза парвариши тобора қизғинлашмоқда. Суратда: колхоз раиси ўртоқ И. Шублаев (ўртада) бир гурупа пахтакорлар билан навбатдаги ишлар тўғрисида маслаҳатлашмоқда.

ПЕШҚАДАМЛАР МАРРАСИ

Ҳар қандай ютуқнинг сирини меҳнатдир. Кимки бунини фикри-зири, қуш-гайрати билан меҳнатга берилган бўлса, у албатта зафар кўчади. Буни ҳаёт яққол кўрсатиб турибди. Деҳқоннинг меҳнати ҳам ана шундай. Чангаст, ишбилармон, гайратчан, меҳнатсевар деҳқонлар 35 колхоз-совхозлари, иншоотлари, йил сайин кўтаришмоқдалар, бунини ҳар қанча маънафас арийди.

Ўрта Чирчиқдаги «Полярная звезда» колхоз ана шундай хўжаликлари. Бу колхознинг таъриф-таъсифини билмайдиганлар республикамизда камданкам топила керак. Меҳнат ва фахр меҳнат туфайли колхозчилар ўз хўжалиқларининг доврлигини оширишмоқдалар.

Колхоз сартамонли хўжалик. Унинг бирон тармоғи йўқис, юксак даражада ривожланмаган бўлсин. Пахтачилик колхозининг асосий соҳаларидан бири. Хўжалик зарфинослари деҳқончилик маданиятини юксалтираётганликларини, комплекс механизация даражасини ошираётганликларини туфайли йил сайин янгидан-янг марраларни эгалламоқдалар. Юбилей йилида оша-Ватанга 5500 тонна аёло сифатли «оқ олтин» армузон этилади. Гектар бошига колхоз бўйича ўрта ҳисобда 32 центнердан хиром кўтарилади. Яъни ҳосилининг 68 процентини

рэнси икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хаа, — ҳозир мавжуд 300 гектар майдонинида каноп ям-яшил бўлиб ўтиб чиққан. Дастлабки йил учун бу майдон чакки эмас, албатта. Кейинчалик имкониятимига қараб экин майдонини кенгайтираверамиз.

Колхоз дубкорлари дастлабки парваришини барвақт ва юқори сифатли ўтказиш учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар. С. Суяров, А. Худойназаров, Ли. Бо. Чун ўртоқлар бошчилик қилаётган дубчилик бригадаларининг аъзолари бу экин колхоз тарихида биринчи марта экинган бўлишига қарамасдан, гектар бошига пиланди 120 ўрнига 160 центнердан ҳосил кўтарамиз, деб ваъда беришди. Ҳозир ана шу ваъдага яраша меҳнат қилишяпти.

Бу колхоз шолкорлари ҳам, миришкорлик билан донг

чиқаришган. Улар ўтган йили ҳар гектар ердан пиланди 35 центнер ўрнига 54 центнердан поли йиғиштириб олган эдилар. Бу йил эса 1800 тонна шол иштириш мажбуриятини олишди. Бу пиландида ярим минг тонна кўп демакдир. 65—70 центнерлик хиром кўтариш учун курашяган Николай Ким ва Сергей Тен ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг шолкорлари экин парваришини қизғин бошлаб юбордилар.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин тутилган кунининг 100 йиллигини кўп қатори муносиб зафарлар билан кўтиб олиш мақсадида юксак марраларни кўлаб иш юритаётган бу пешқадам хўжалиқнинг азамат колхозчилари янгидан-янг муваффақиятлар тилаймиз, сизларга ҳаминша зафар ёр бўлсин деймиз!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.

ТРАКТОРСОЗЛАР

Ўзбекистон трактор-йигув заводи коллектив бешйилликнинг учинчи йилида социалистик мусобақани кўчатира бориб, қувончли ютуқларга эришмоқда. Тракторсозлар ойда-ойта махсуслот тайёрлашни кўпайтиришяпти.

Авваллари ўрта ҳисобда ҳар ойда 1800 та трактор тайёрланар эди. Апрель ойида эса меҳнатсеварлар иш умумини ошириб, 1850 та тракторни сифатли қўлдан чиқаришди. Улар бу ойда Иттифоқ Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг қорхоналари ўртасидида социалистик

мусобақадан иккинчи ўрнини эгаллашди.

Шу кунларда азаматлар қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига пиланди ташари кўлаб тракторлар етказиб бериш юзасидан мажбуриятларини бажариб йилда кўтариб олиб боришяпти. Доҳиймиз В. И. Ленин тутилган кунининг 100 йиллигини шарафига мусобақа йилда кент қулоқ ёйдирилмоқда. Йигувчи М. Иудомов, тоқари Н. Клейменов, фрезерчи Т. Юсупов сингари ўлаб пешқадамлар бутун коллективга намуна бўлишяпти. Қорхонада бундай илгорлар сағи қўлдан-қўлга кўпаймоқда.

С. ТУЛАЕВ.

ФЕРМАДА

— Бизда, — дейди сут-товар фермасининг мудир Зиед Мирзаев, — 141 бош соғин сиғир, бор. Молларни қишлоқдан яқин чиқариб олдим. Маёна энди уларнинг оғзи кўкка тегибди. Сут соғувчиларимиз астойдил гайрат қилишяпти. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли сут соғиб олиш қаватли пилани ортини билан бажарилади. Дастлаб 80 тоннага яқин сут етказиб берилди.

«Нелес» совхоз фермасида сут бўлогини яратяётган, бу соҳада кўп қатори ўнлаб бўлаётган бундай қорвадорлар кўп.

Муҳайе Иноғомова сут соғувчилар ўртасида бошланган социалистик мусобақадан доимо лешадам. Бу касбада ўн олти йилдан буюн ишлайди. Меҳнатсевар, тадбиркор Муҳайега бу йил 19 бош сиғир беририлган. Муҳайе улардан ҳозирга қадар 17 тоннадан ортиқ сут соғиб олди.

Муҳайенин дугониси Зарифа Каримова ҳам сиғирларни ана шу усулда боқайди. Шу туфайли у ҳозиргача 14 тоннага

яқин сут соғиб олди. Унга бир китилган сиғирларнинг ҳар биридан кунига 13—15 литрдан сут соғиб топираётир.

— Бизда ем-хашак етарли, — дейди Зарифа, — сиғирларни аниқ рақсон асосида боқмоқдамиз. Масалан, ҳар бир сиғирга ўртача 10 килограммдан беда, 5 килограммдан лавлаг, 2 килограммдан комбикорм берилади.

Совхозда бўрдоқчилик ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Молбоқарларнинг фидокорона меҳнати туфайли бугунга қўйилган моллар бир кеча-кундузда 500—600 килограммга етганга қўшмоқда. Уларнинг маънафас алоҳида семиз ва сифатли бўлиб етказиб беришдан иборатдир.

Сут соғувчилар, молбоқарлар шу кунларда дастлабки ютуқларни мустақамлаш, чорва махсуслотлари етиштиришни кўпайтиришда янг марраларни эгаллаш учун курашмоқдалар.

Ф. ИСАЕВ,
Ж. РАХМАТОВ.

ОБЛАСТ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТИ АКТИВНИНГ ЙИГИЛИШИ

Кеча Тошкентда бўлиб ўтган област комсомол ташкилотининг активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети а.



Шу кунларда Калинин райондаги «Қорасув» совхозининг 2-бўлими деҳқонлари эртаги сабзавот экинлари ҳосилини йиғиштириб, пешма-пеш шаҳарга жўнатиб турибдилар. Айниқса А. Шерматов бошлиқ бригадани қарамдан барақали ҳосил олинмоқда. Бригада деҳқонлари 1100 тонна қарам топириш мажбуриятини олишган. Суратда: бўлим бошқарувчиси Т. Ҳолтаев (ўртада) ва бригада бошлиғи А. Шерматов ўртоқлар эртаги қарам ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

О Қ Ў Ў Ў

Дилрабо куй таралмоқда. Парда очилиб, томошбинларнинг кўз олдига анвойи гуллар намоён бўлади. Гулзор чеккасидида ўриндикда қизнинг ширини овозига маънафас бўлиб бошан кининган чиройли йигит ўтирибди. Қиз куйлапти, у бахтир. Минглаб кинлар қаб свитини чирой деб билган, уни чиройдан ахтарган бу покча қизнинг тақдир, келажати нима бўларкин?

Оқунбоёв номи шаҳар маданият уйи қошидаги халқ театри коллективи саҳналаштирган «Оқ йўл» номи пьесанинг госяи ана шу масалани ҳал қилишга қаратилган.

Юдуз Ганихўжани севади. Чиройлиги, шахсий машинаси борлиги учунми? Ахир, Ганихўжада шу икки нарсадан бошқа ҳеч нима йўқку! Наҳот, кеска педагогининг қизи — меҳнаткаш она да воғта етган қиз бунини тушунамасай! Йўқ, маълум бўлишча, Ганихўжада «ширинлик» ҳам борки, бу Юдуздин тамоман ўзига сеҳрлаб олган. Бироқ Юдуздин отаси тўйга розилик бермайдик, чунки Ганихўжанин характери, ахлоқи қизнинг отасига маълум. Кейинчалик Юдуз ҳам Ганихўжанин мунофиқлигига, уни алдаб юрганга ишонч эосил қилди.

Бу асарда ҳозирги ҳаётимиздаги энг муҳим масалалардан бири — хотин-қизлар эркин аяшапти, оваллари кувени чинилдиққа

ЛЕНИН КОМСОМОЛИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

киргандагина кўришарди, энди бўлса фарзандларимиз ўзи хоҳлаб ўзи тегаяпти, деб қуруқ сарфасабозлик қилиб, фарзандларига беъмани хотамтоғлик қилиди қани. Била тарбиясига бепарво қарайдиган ота-оналарга сабоқ берилган.

«Оқ йўл» спектакли Ленин комсомолнинг 50 йиллик юбилейига бағишлаб саҳналаштирилган. Унинг муаллифи Рихис Орифжоновдир. Халқ театрининг энг беш қатнашчилари 120 мактаб ўқувчиси Екут Эрнезгарова (Юдуз), политехникум талабаси Хикоят Аҳмеджонов (сочин аёл), шофер Т. Сиддиқов (оте) ва бошқалар спектаклда ўз маҳоратларини намойиш қилганлар.

Театр ташкил қилингандан бери 10 йил ичиди, — дейди режиссёр Шавкат Умаров, — 40 га яқин спектаклни саҳналаштирдик, бир кенча бш талантларни тарбияладик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неймат Солимонов, Самарканд опера ва балет театрининг солисткаси Жамилла Қанадодоева ҳамда театр ва расмийлик институтида таълим олаётган кўпгина ёшлар бизнинг қалдирғочларимиздир.

Умуман, бу спектаклнинг қўйилиши ҳам халқ театри коллективининг яна бир юғоне баландлиқига кўтарилганлигидан дарак бериб турибди.

Т. МУҲАММАДАЛИЕВ.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

ЯНГИНҒУЛ. Қарл Маркс номи колхоз паррандчилари юбилей йили топиришини бир ярим ҳисса ошириб адо этган эдилар.

Мапа, бошланғичлигини учинчи йилда ҳам улар қувончли зафарларга эришмоқдалар. Улар эл дастурхонига 65 минг данга туҳум етказиб бериш мажбуриятини олиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу меҳнат ҳо-ҳирлаққўзнинг аниқли самараларини кўрсатмоқда. Паррандчилар яқинда давлатга туҳум сотиб йиллик пиланин ортиги билан банжаргалиларни тўғрисида гаплаба рапорти бердилар.

М. ПЕЙСЕНОВ.

БЕКОВ. Бешйиллик пилани муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилди, астойдил ишлайтган. I-«Далварон» совхозининг чорвадорлари дастлабки натижа муваффақиятини қўлга киритдилар. Улар эл дастурхонига 725 центнер бурдоқни тушти етказиб бериб, бу соҳадаги ярим йиллик пилани 142 процент адо этидилар.

Ғайбдаги «Победа» колхоз паррандчилари эришган ютуқ ҳам инхоя қувончлидир. Улар ҳозирда давлатга 19,8 минг ўрнига 30 минг донадан ортиқ туҳум сотиб, ярим йиллик пилани бир ярим баравардан ошириб юбордилар.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

